

Риёзус солиҳийн (болалар учун) / Риёзус солиҳийн (болалар учун) / 86-ҳадис

86 - وَعَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا، أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «السِّوَالُ مَطْهَرٌ لِّلْفَمِ مَرْضَأٌ لِّلرَّبِّ». رَوَاهُ النَّسَائِيُّ، وَابْنُ حُزَيْمَةَ فِي صَحِيحِهِ بِأَسَانِيدٍ صَحِيقَةٍ.

Оиша розияллоху анҳодан ривоят қилинади:

“Набий соллаллоху алайҳи васаллам: «Мисвок оғизни тозалаб, Роббни рози қилур», дедилар.

Насайй ва Ибн Ҳузайма саҳих санад билан ривоят қилишди.

Шарҳ: Пайғамбар алайҳиссалом мўмин кишининг аъзолари ҳам ташқи кўринишида, ички ҳолатда ҳам покиза бўлишини таъкидлаганлар. Бунинг мисолида ул зотнинг арок шохидан тайёрланган мисвокни ишлатишни тавсия қилганларини эслаб ўтиш мумкин. Мисвок оғиз ва тишни овқат қолдиқларидан тозалайди. Таркибидаги фойдалар моддалар эса хушбўй ҳид ҳам тортиқ қиласди. Бундан ташқари, мисвок ишлатишда Аллоҳнинг розилиги бор. Пайғамбар алайҳиссаломнинг бўйруқларига бўйинсиниши ҳам бор. Ушбу ҳолат Исломнинг гўзаллиги, шаффофлигига ҳам мисолдир.

Ҳадисдан ўргангандаримиз

1. Мисвок ишлатиш- набавий суннатлардандир.
2. Мисвок оғизни тозалаб, покликни сақладайди.
3. Мисвок ишлатиш - Аллоҳнинг рози қиладиган амаллардандир. Чунки Аллоҳ гўзалдир ва гўзалликни севади.
4. Агар мисвок топилмаса, унинг ўрнини босувчи тиш пастаси (маъжун) ва чўткаси билан тозаланаверади.

Манба: hadis.islom.uz



